

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

**Ижтимоий фанлар кафедраси**

**МАВЗУ: ЖАҲОН АЛЛОМАЛАРИ МЕРОСИ – АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ**  
**АСОСИДИР**

**РЕФЕРАТ**

**Бажарди: доц. Г.К. Машарипова**

**Тошкент - 2017**

## ЖАҲОН АЛЛОМАЛАРИ МЕРОСИ – АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯ АСОСИДИР

### РЕЖА:

1. Жаҳон ахлоқшуносларининг одоб-ахлоқ ҳақидаги қарашлари.
2. Румо ахлоқшуноси Сенеко ҳикматларининг ёшлар маънавий тарбиясидаги ўрни
3. Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида ахлоқ ҳақидаги ғоялар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти.

**Мавзуни ўрганишдан мақсад:** Талабаларга Жаҳон, Шарқ ва Румо алломаларининг аксарияти ижодида одоб – ахлоққа ва диний – ахлоқий жабҳаларга оид кўпгина насихатномалар, ибратли хикоялар, ҳикматлар, танбих ва талқинлар, ўғитлар яратганларки, буларнинг ҳар бирисини ўрганиш, бугунги кунда миллий мафкурамизни, ғурур ва ифтихоримизни шакллантиришга замин яратувчи омил бўлиши мумкинлигини тушунтириш.

**Машғулотнинг методик таъминоти:** Айрим плакатлар ва ўрганилаётган алломалар асарлари, мавзуга оид презентеция.

**1-масаланинг баёни.** Қадимги дунё ахлоқшунослиги ёки ахлоқий таълимотлар ҳақида гап кетар экан кўпинча қуйидаги тўрт буюк файласуф: Сукрот, Афлотун, Арасту ва Эпикурни тилга оламиз. Лекин аслида, уларгача ҳам қадимги Юнонистонда ахлоқ-одоб таълимоти борасида анча-мунча ишлар қилинган. Чунончи, Демокрит, Фалес, Пифагор, Гиппий, Георгий сингари софистлар (донишмандлар) оқимига мансуб файласуфларнинг қарашлари диққатга сазовор.

Масалан, Демокрит донишмандликни энг юксак фазилят, ақлни эса ахлоқий ҳатти-ҳаракатнинг мезони деб билади ва донишмандни ахлоқли, нодонни ахлоқсиз сифатида таърифлайди. Демокритнинг фикрига кўра инсон учун биринчи устоз эҳтиёж ва тажрибадир. Айнан шулар инсонни фойдали ва зарарли нарсаларни фарқлаш даражасига олиб келади. Фалеснинг ҳам қуйидаги ҳикматлари эътиборга моликдир:

- Энг гўзал нарса нима?
- Одам. Чунки у Тангрининг махсулидир.
- Энг тез нарса нима?
- Ақл. У ҳамма нарсани ортда қолдиради.
- Ҳаммадан донороқ нарса нима?
- Вақт. Чунки ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани ойдинлаштиради.
- Ҳамма учун энг умумий нарса нима?
- Умид. Чунки у ҳеч вақоси йўқларда ҳам мавжуддир.
- Энг кучли нарса нима?
- Зарурият. Чунки у ҳамма нарсанинг устидан ҳукмронлик қилади.

- Энг кийин нарса нима?
- Ўзни англаш.
- Энг осон нарса-чи?
- Ўзгаларга маслахат бериш.
- Кимни бахтли санаш мумкин?
- Жисмоний соғлом, рухий хотиржам ҳамда истеъдодини ўстира олган кишини.

• Бахтсизликка дош беришнинг осон йўли нима? Ғанимларнинг сендан-да ёмон ахволга тушиб колганига гувоҳ бўлиш

• Мен уч нарса учун тақдирдан миннатдорман: биринчидан, ҳайвон эмас, инсон бўлиб туғилганим учун; иккинчидан, аёл эмас, эркак бўлиб туғилганим учун; учинчидан эса варвар эмас, элликлик бўлганим учун.

Сукрот (Сокрот – 469-399)нинг таълим беришича, «ёмон ишлар, қилиқлар фақат билмасликдан келиб чиқади ва ҳеч ким ўз хоҳиши билан ёмон бўлмайди». Унинг қарашлари Конфуцийга ўхшаб, ахлоқ билан ҳуқуқни бўлинмас яхлитликка олиб қарайди учта асосий субстанция – «Ягоналик» (эзгулик), «Ақл» ва «жон» ҳақидаги таълимот ташкил этади.

**Сукрот.** Афинада софистларнинг мурасасиз душмани сифатида Сукрот (эр.ол.470-399 й.) майдонга чиқди. У софистларга қарши ўлароқ, барибир ҳақиқат мавжуд ва у баҳсда топилиши мумкин, деган фикрда эди. Сукротнинг кучи баҳс юритиш соҳасида у ишлаб чиққан усулда эдики, унда бир қатор саволлар бериш йўли билан оппонентни ўз нуқтаи назарини нотўғри эканлигини тан олишгача олиб бориб, сўнгра шу усулнинг ўзи билан ўз қарашларининг адолатлилигини исбот қилар эди.

#### **Сукрот хикматларидан:**

-“дунёни силжитмоқ истаган одам аввал ўзини силжитади!”

-“меъёрдан ташқари чиқма”

-“кимнинг нечта қўй борлигини ҳар бир одам сира қийналмай айтиб бера олади, аммо кимнинг қанча дўсти борлигини ҳамма ҳам айтиб бера олмайди”;

-“хурмача неча пул туришини ҳаммаларинг жуда яхши биласизлар, аммо ҳалол яшайсизларми йўқми-бу ҳақда ўйлашни ҳеч ким истамайди”.

-“ҳусндорлар ўз ҳуснларига доғ туширмаслик учун, хунуклар эса ўз хунуклигини ақл заковати билан безамоклик учун тез-тез кўзгуга қараб турсинлар”;

-“керакли сўз пергаментдагига қараганда одамлар хотирасида мустаҳкамроқ ўрнашиб қолади, нокерак сўзни эса ёзиб ўтирмаса ҳам бўлаверади”;

-“нима кераги бор? Ахир сени эшак тепиб олса, унинг устидан судга шикоят қилмайсан-ку?”;

-“аёллар ичида жуфт ҳалолингдан ҳалолроқ ва покизароқ аёл бўлмас экан”;

-“биз яшамок учун овқат еймиз, бошқалар эса овқат емоқ учун яшайдилар”;

-“бойликдан нима наф? Бойлик одамни бузади холос”;

-“кумуш анжомлар билан атлас кийимлар театрдагина яхши ҳаётда эса улар кулгили”;

-“биз аёл кишида унинг хуснини, эркакда эса унинг ақл-заковатини кадрлаймиз. Хуснини бозорга солган хотинни фохиша деймиз. Шундоқ экан ақл-заковатини бозорга солган эркакни ўша фохишадан нима фарқи бор?”;

-“менинг билганим шуки, ҳеч нарсани билмайман”;

-“файласуфни самарали ишлашини таъминлайдиган биринчи омил эркинлик. Амал-мансаб ҳар қандай одамнинг ҳам кўл оёғини боғлайди. Менинг ички овозим менга давлат ишларида бирон мансабни эгаллашимни сира раво кўрмайди...”

-“ҳақиқат ҳаётимнинг мазмунидир, эркин баҳс қилиш ва эркин гапириш имконияти файласуфга сув билан ҳаводай зарур”.

**Арасту (Аристотель-384-322), Арасту тарихга энциклопедик олим сифатида кирди.** Арасту орзудаги (идеал) давлат тузуми лойиҳасининг муаллифи сифатида шундай хулосага келдики, полис инсонлар уюшмасининг энг юқори шакли бўлиб, унда яшайдиган кишиларнинг мақсади фаровонликка эришишдир. Жамиятнинг асосий бирламчи ташкилоти оиладир.

Афлотундан фарқи ўлароқ, вужуд ва руҳ яхлитлиги нуқтаи назарини илгари суради; инсон камолотга, олий эзгулик ва эркинликка билиш фаолияти, воқеаликка фаол муносабати орқали, ҳирсу эҳтирослар устидан ҳукмронлик қила олиши туфайли эришади, деган фикрни айтади. Демак, инсонда ихтиёр эркинлиги бор, зеро у эзгулик ёки ёвузликни, фазилат ёки иллатни танлашда бир хил ҳукмронлик мавқеига эга.

Мақсад билан воситани Арасту яхлитликда кўради: мақсад воситани белгилайди, шу сабабли мақсаднинг ахлоқий табиати фақат ахлоқий воситаларнигина тан олади ва айниқса, ахлоқсиз мақсад ахлоқсиз воситаларни талаб қилади.

Арасту ақл-идрок фаолиятини ҳаёт ва фаолиятнинг олий шакли, ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайдиган кадрият деб ҳисоблайди.

Арасту, илмни (ақлни) ахлоқдан (виждондан) юксак кўяди ва бу билан мушоҳадакор ҳаётни назарияга, ижодга бағишланган ҳаётни ахлоқий идеал тарзида талқин этади. Шунга кўра буюк мутафаккир антик дунё фуқаросининг анъанавий фазилатлари бўлмиш донишмандлик, мардлик, одиллик, дўстликни юксак кадрлайди. У фақат одамлар ўртасидаги дўстлик ва хайрхоҳликни тан олади.

**Арасту хикматларидан:**

-“ўзингдаги номаъкул хулқ-атворни тузатгил”.

-“бойлик тиласанг уни қаноатдан изла”.

-“сен хоҳлаган нарса бошқаларда бўлса, уларга ҳасад қилма ва ўзинг ёқтирмаган нарсани ўзгаларга раво кўрма”.

-“ғазаб отини сўндиришингда сенга ёрдам бера оладиган воситалардан бири шулким, ҳеч бир кимса ҳаётда сирпаниб кетиш ва хато қилишдан холи эмас”.

-“қахру ғазаб аччиқдир, аччиқ дарахт эса ширин мева бермайди”.

-“шахвоний ишлардан парҳез қилгил. Билгилки, шахват ақли емиради, фикрни қоронғилаштиради, шахснинг обрўсига доғ туширади ва унинг буюк ишлар қилишига тўсқинлик этади”.

-“ўз нафсингни майда орзу-ҳавасларга эргашишга одатлантирмагил, зеро кўнглинг таъма истаб қолади..., жуда катта орзу-ҳавасларга эришсанг ҳам шундай бўлади.”

-“ҳеч қачон кичик хато қилгач бепарво бўлмагин, зеро ҳар бир хатонинг зиёни бордир”.

-“ўзингни кичик хатоларга одатлантирсанг, бу одат сени катта хатоларга бошлайди”.

-“умрингни ҳақдан ўзгага бағишлаб, бекорга ўтказма ва мол мулкингни зарур бўлмаган нарсалар учун беҳуда сарфлама”.

-“тангри таоло бандаларига улар ихтиёр этмаган нарсаларни ўзига ихтиёр қилмайди...”

-“тангрига таянар бўлсанг у сени ўзгалар зараридан омон сақлағай...шуни билгилки ўзинг бузуқ ва фосид эрсанг раияту фуқарони ислох қила олмайсан, ахир ўзи кўр одам қандай қилиб ўзгаларга раҳнамо бўлсин. Ўзи қашшоқ одам ўзгани бой қила оладими? Кимки ўзи хор-у залил бўлса ўзгани қандай қилиб машҳур-у азиз қила олсин?! Билгинки, ислох этишни истаган ҳеч кимса ўзини ислох қилмагунча ўзгаларни ҳам ислох эта олмайди”;

-“...ғазабу аччиғингни сабру чидам билан, нодонлигингни илму дониш билан, ғафлату фаромушкорликни хотирлаш ва диққат қилиш билан ўзингдан йироқлаштиргил”.

**2-масаланинг баёни. Румо ахлоқшунослари** ҳам инсон ҳатти-ҳаракатлари муаммосини ўртага ташлайди ва инсоннинг оламдаги ўрни ҳамда ҳаётнинг мақсадини белгилашга интиладилар. Бундай интилиш, айни пайтда, бутун қадимги дунё мумтоз ахлоқшунослари оддий ахлоқ-одоб қоидалари, панд-ўғитлар ва ҳикматлардан тортиб, то ахлоқшунослик назарияси тизимигача яратганлар. Бу мерос ханузгача ўз таъсир кучини йўқотгани йўқ, ханузгача жаҳон ахлоқшунослиги кўп ҳолларда ўша тушунчалар ва тамойилларга янгича ёндашув асосида тараққий этиб келмоқда. Рум ахлоқшуносларининг йирик вакилларида бири Сенекадир.

### **СЕНЕКА ҲИКМАТЛАРИДАН:**

• Маънавий қуликдан шармандалироқ мутелик йўқ. Мен ҳеч қачон кулларча итоатгуйлик қилмайман ва ҳеч кимга эргашмайман. Кўп ҳолларда буюк одамларнинг фикрларига ишонаман, аммо баъзи масалаларда ўз қарашларимга таянаман.

• Тақдир тан берувчиларнинг қўлидан тутади, қаршилик кўрсатувчиларни эса судрайди.

• Ақл-идрок — инсон танасига жо этилган илохий руҳ зарраси.

• Инсон қалби буюк ва бепоёндир. У чегара билмайди.

• Олий бахт туйғуларда эмас, ақл-идрокда яширин. Шунинг учун ҳам инсондаги энг олий сифат — ақл-идрок. У ақл кучи билан ҳайвонотдан устун туради ва илохларга тенглашади.

• Табиат бизни киришда ҳам, чиқишда ҳам тинтув қилади. Яланғоч келгандик, яланғоч кетамиз. Бу ердан олиб келганингдан ортиқ нарсани олиб кетолмайсан.

• Ким сизга ўлимни дахшатли деб таърифлади? Ё бирор кимса у дунёдан қайтиб келолганми? Не сабаб ўзингиз билмайдиган нарсадан қўрқасиз? Балки фалакнинг ишораларини англаш афзалроқдир? Эътибор беринг-а: бу дунёда биз мунтазам беморликка маҳкуммиз; гоҳ бир дард билан оғриймиз, кейин яна бошқасига чалинамиз. Гоҳ ошқозонимиз хасталанади, гоҳ оёғимиз оғриб қолади. Бу дунёда бизни доимо бетоблик, ҳайвонлар ва инсонларнинг қахру-ғазаби ҳар томондан таъқиб қилади. Биз гўёки тўрт тарафдан қувғинга учраганга ўхшаймиз. Бундай ҳолат фақатгина бировнинг уйида яшаётгандагина содир бўлиши мумкин. Шундай экан, нега меҳмондан ўз уйингизга қайтишга қўрқасиз?

Сиз онангизнинг иссиқ бағрини тарк этиб, ёруғ дунё юзини кўрдингиз. Сизни ўша захоти ер юзидаги эркин ҳаво чулғаб олди. Дағал қўллар танангизга ботган захоти номаълумлик қаршисида дахшатга тушиб, чинқириб йиғлаб юбордингиз.

Шундан кейин йиллар ўтиб, бу ёруғ олам бағрини тарк этиб, ўзга бир номаълумлик билан рўбару бўлишга тараддудланар эканмиз, яна дахшатга тушамиз. Нега шундай? Ахир биз бир вақтлар — ёруғ дунё нафасини илк бор сезганимизда ҳам шундай қўрқувни бошимиздан ўтказмаганмидик? Яна нимадан қўрқамиз? Она бағри тўққиз ой давомида бизни ёруғ оламдаги ҳаётга тайёрлайди. Ёруғ оламда эса биз гўдаклик чоғимиздан то кексайгунимизга қадар яна қандайдир янги туғилиш они учун етилиб борамиз. Нега шуни тушунмайсиз?

Сиз шуни қайта англайсиз, йўқ, йўқ, биз ўлмаймиз. Биз фақат табиат бағрига беркиниб оламиз. Ахир бизнинг руҳимиз мангу... Эҳ, тезроқ манзилга етиб олсак эди. Ахир биз бу дунёдан яна нима истаймиз? Нимадан кўнгил узолмаймиз? Балки май ва асал таъмидандир? Ё неъматларданми? Бу нарсаларнинг барини биз минг марталаб татиб кўрганмиз-ку? Ёки биз худди очикқан итлар каби чайнамасдан, бутун-бутун ютиб, таъмини ҳам сезмай қоладиган омад «лукма»ларидан кўнгил узолмаймизми? Буларнинг бари бемаънилиқ... Шошилинг! Меҳмондан қайтадиган фурсат етди! Манзилга! Манзилга!

• Менга дедилар: ахир улар қуллар-ку? Ҳа, аммо мана бу қул озод рух эгаси. Қани, менга у ёки бу маънода қулликка маҳкум бўлмаган одамни кўрсатинг-чи? Манави одам — шахвоний нафс қули, анавиниси эса — ғаразгуйлик ва очкўзлик қули, бу эса — шухратпарастлик қули.

• Кулфат ташқаридан келмайди, у бизнинг ўзимизда, ич-ичимиздадир.

• Эзгуликнинг хадисини олган одам уни унутиб кўйиши, эсидан чиқариши мумкин эмас.

• Кўпчиликка нафи тегадиганларни ва ўзига ўзи фойда келтирувчиларни «яшаяпти» деса бўлади. Ҳаракатсизликда қотиб, ўзини панага олувчилар учун эса уйлари гўё тобутдир. Сиз бундай одамлар яшайдиган уйнинг остонасига мрамар тахтача ўрнатиб, уларнинг исмини ёзиб қўйсангиз ҳам бўлади. Чунки улар ўлимидан аввал ўлганлардир.

• Буни қаранг: ғам-ғуссада ҳам шухратпарастлик нишонаси бор экан! Чунки биз ғам-қайғуга бўйсунмай, хасратимизни кўзёшлар орқали кўз-кўз қиламиз.

- Кичик қайғу кишини сўзлатади. Каттасига эса сўз йўқ.
- Хавотирга тушган одам ўзини бошқара олиш қобилиятини йўқотади.
- Фақат ақл-идрок осойишталикни таъминлай олади.
- Ҳеч бир нарса ўз-ўзидан иллатга айланмайди.
- Озга қаноат қилган меъда кўп нарсадан озод бўлади.
- Ҳар қандай пасткам ердан ҳам осмонга кўтарилиш мумкин.
- Бирор нарсани йўқотишдан дахшатга тушиш — жудолик ғамини чекиш билан баробардир.

- Ҳар қандай лаззат хавф-хатарни кучайтиради.
- Ҳеч нарса билмагандан кўра керагидан ортиқ билган афзалроқ.
- Ўргатиш асносида ўрганаман.
- Хафагарчиликдан қутулишнинг энг яхши йўли кечиришдир.
- Бир сўзласанг, ўн бор тингла.
- Ҳар бир гапни ўзгаларга сўзлашдан аввал ўзингга айт.
- Элга бош бўлишни истасанг, ўзингда ақл-идрок ҳукмронлигини таъминла.

• Инсоннинг феъл-атворини арзимас майда-чуйдалар орқали билиб олиш мумкин.

• Ҳамма тўғри яшаш ҳақида эмас, узоқ умр кўриш ҳақида қайғуради. Ваҳоланки, тўғри яшаш ҳаммининг кўлидан келади, узоқ умр кўриш эса ҳеч кимга насиб этмайди.

- Эзгу ишнинг мукофоти — унинг амалга ошишидадир.
- Мавхумликдан кўра ортиқроқ азоб йўқдир.
- Фалокат юз берган чоғда қалтис қарорлар қабул қилишга тўғри келади.
- Ҳаддан ортиқ шодлик ҳам инсонни эзиб юборади.
- Ёшлик чоғда илм олиб, кексайганда эса ана шу илмдан завқланиб яшамоқ энг тўғри йўлдир.

• Қачонлардир юз берадиган бахтсизликни ўйлаб, ўзини доимо бахтсиз ҳис этиш ахлоқликдир.

• Донишманд бойлик қуршаб олганда қашшоқлик ҳақида ҳар вақтдагидан кўпроқ ўйлайди.

• Баъзи амалларнинг улуғворлиги уларнинг кўлами билан эмас, балки ўз вақтида бажарилганлиги билан белгиланади.

- Ақл ожизлик қилган ерда кўпинча вақт ёрдам беради.

- Агар ҳеч нарсадан чўчишни истамасангиз, ҳар бир нарсадан чўчишга асос борлигини ёдда сақланг.

- Ўзгаларнинг нафратидан ҳаддан ортиқ кўрқадиган одам ҳеч қачон ҳукмрон бўлолмайди.

- Баъзи ёзилмаган қонунлар ёзилганларидан кучлироқдир.

- Янгилик инсонга улуғворликдан кўпроқ завқ бағишлайди.

- Инсон ўзидаги истеъдодни амалда қўллаш орқалигина англаб олиши мумкин.

**3-масаланинг баёни.** IX-XII асрлар маънавияти ва маърифати ривожда XI асрнинг кўзга кўринган шоири Юсуф Хос Хожиб ҳам катта ўрин тутди. Юсуф Хос Хожиб ўзининг ягона достони бўлмиш «Қутадғу билиг» («Бахтга элтувчи билим») билан машҳурдир. Бу асар 1069 йилда ёзилган бўлиб, уни шоир Қашкар ҳокими Сулаймон Арслон Қорахонга бағишланган. Шу асари учун унга Хос Хожиб, яъни «буюк хоннинг махсус маслаҳатчиси» унвони берилган.

Мутафаккир инсон фақат жамиятда, бошқа кишилар билан мулоқотда ва фойдали меҳнатда чинакам камолга етади, деган ғояни илгари суради. Инсонга фойда келтирмайдиган инсон – ўликдир, деб таъкидлайди. Жамиятда меҳнат ахли – деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар хал қилувчи роль ўйнайди, деб уқтиради. Шунинг учун, Юсуф Хос Хожиб ҳокимга адолатли бўлиш, ўзбошимчалик ва қонунсизликка йўл қўймасликни маслаҳат беради. Мутафаккир фикрича, одам кимлигидан қатъий назар инсон бўлиши лозим, чунки дунёда фақат инсонийликкина абадул-абад қолади. Шу сабабли ўз номини ҳамиша яхшилик билан эслашни истаган киши фақат яхшилик қилиши лозим. У шундай ёзади: «Кимнинг одоби яхши мақсадига етади ва бахт унга қилиб боқади», чунки «яхши ахлоқ жамики яхшиликларнинг заминидир».

Юсуф Хос Хожиб илм ва маърифатни жамиятнинг тараққиётига, гуллаб-яшнашига олиб келувчи куч деб билиб, уларни эгаллашга даъват этади. У кишини зулмат ичидаги уйга, билимни эса ана шу уйни нурафшон этувчи машъалга ўхшатади. Шоир кишиларни сўзлаганда ўйлаб гапиришга чақиради. Сўзингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин. Маънодор сўз донолик аломати, бемаъни сўз махмаданагарчилик, ахлоқлик аломатидир. Шу боисдан одам кўпроқ кулоқ солиб, кам гапириши керак, деб айтади. Юсуф Хос Хожиб шунингдек, инсоннинг ташқи қиёфаси унинг ички дунёсига мос бўлишига катта аҳамият беради. Мутафаккир ёлғончи, мунофиқ кишилар жамият учун зарарли, бундай кишилардан узоқ бўлиш керак, дейди.

Кайковус мусиқа, адабиёт ва санъат, табиёт илмларини чуқур эгаллаган олим эди. Кайковус қаламига мансуб “**Қобуснома**” асари Шарқ халқлари орасида маълум ва машҳур. Мўъжиз ривоятлар, ихчам латифалар кичик-кичик хикоятлар китобнинг янада жозибали, ўқишли бўлишини таъминлаган.

Шарқ алломалари ахлоқий, тарбиявий асарларининг асосини Қуръон суралари, Муҳаммад пайғамбар фаолияти ва кўрсатмаларини ифодаловчи



хадислар, ҳикматли ҳикоялар ташкил қилади. “Қобуснома” ҳам бундан мустасно эмас.

“Қобуснома” 1082-1083 йилларда яратилди. У асрлар мобайнида Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг эътиборларини ўзига жалб этиб келган. 1702-1705 йилларда турк тилига, 1786-1787 йилларда Муаммади Сиддик Рашидий томонидан уйғур тилига, 1881 йилда Қаюм Носирий томонидан татар тилига ҳамда XIX асрдаёқ инглиз, фаранг, олмон, рус тилларига таржима қилинди.

“Қобуснома” ота ва она ҳақини билмоқ, фарзанд парвариш қилмоқ, суҳандонлик била баланд мартабали бўлмоқ, подшоҳга хизмат қилмоқ, уй сотиб олмоқ, тижорат ва бозоргонлик расми сингари қирқдан зиёд “ҳаёт жумбоқларини ечиш” бобида баён этилган талабу қоидалар, доно ўғитлар баҳоси олтинга тенгдир.

### **Ўғитлардан айримларини эслатиб ўтмоқчимиз:**

• “Агар халқ сенинг ҳақингда яхши сўз айтарин тиласанг, кўлингни қисқа - қилғил”,

• “Эй фарзанд, ҳар нечун йигит бўлсанг ҳам ақлинг қари бўлсун”,

• “Аслингнинг қадру-қимматин бил”,

• “Худони таниғил”,

• “Бас, эй фарзанд, баданни ўзингга мутеъ қил ва уни қаҳр била итоатга буюрғил”.

• Бас, эй фарзанд, бу жаҳон бир зироатгоҳдур, ҳар нима эксанг, шуни ўрасан ва ҳар на сўз десанг, шунинг жавобин эшитурсан.

• Дегилким, дунё жойи – фоний ва охират саройи боқийдур.

• Эй фарзанд, худони таниғил, ҳамиша они ибодатини пеша қилғил.

• “Донишмандлар уйқуни кичик ўлим дебдурлар”,

Жаҳон маданияти ва маърифатига катта ҳисса қўшган, Шарқ ва Европа «Шайх-ур Раис – олимлар бошлиғи» унвонига эга бўлган **аллома Абу Али ибн Сино** (980-1037)нинг ахлоқий мероси биз учун бебаҳо хазинадир. У ўз умри давомида 450 дан ортиқ асарлар яратган. Академик М.Хайруллаевнинг таъкидлашича, «Илм-фанда тенги йўқ даҳо бўлмиш Ибн Сино бадий ижод билан ҳам шуғулланиб, чуқур фалсафий-ахлоқий мазмунли бадий қиссалар, қасида ва рубойлар, халқ оммаси орасида илмни кенг тарғиб қилиш мақсадида кўплаб оммабоп қасида-достонлар яратди.

Ибн Синонинг фикрича, яхшилик доноликда, донолик эса ходисаларни билиш орқали қўлга киритилади. Билим, маърифат инсон ҳаётининг ажралмас томонидир. У шундай ёзади:

Жон агар бир шиша бўлса, илм худди лампадир,

Ҳикматли инсонни билгил, ул чироғда лампа ёғ.

Ибн Сино «Соломон ва Ибсол» қиссасида ростгўйлик, садоқат, пок муҳаббат, ироданинг макр устидан ғалабасини тасвирлайди.

Мутафаккир кишиларни дўстлик ва ҳақиқатга, дўстликнинг қадрига етишга чақиради. Инсонни эса оламдаги мавжудотлар ичида энг буюк зот, деб қарайди.

### **Ибн Синонинг насрий ўғитларидан намуналар:**

• Жисмоний машқлар билан мўътадил шуғулланиб борган киши ҳеч қандай давога муҳтож бўлмайди.

• Инсоннинг доимий гўзаллиги ва латофати ҳаёдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.

• Ҳайвонлар хунук иш қилса ажабланиш керак эмас. Инсоннинг вужуди ақл билан мунаввар бўла туриб, тубанликка юз тутса, одамгарчиликни йўқотиб, ахлоқ доирасидан чиқса, бунга ҳайратланиш даркор!

• Қанча билим эгаллаганинг билан уни турмушга татбиқ эта олмасанг, барибир жоҳил бўлиб қолаверасан.

### **Ибн Сино яхшилик ва ёмонлик ҳақида.**

Аллома фикрига қараганда, ҳамма мавжуд нарсалар ўзининг табиий моҳияти билан комилликка эришиш учун ҳаракат қилади, чунки бу ҳаракатда яхшилик бор. Шу сабабдан яхшилик, Ибн Сино таъбирича, фаоллик, ҳаракат, борлик категориясига қарашли бўлгани боис ҳаммаша комилликка эришади. Лекин дунёда ёмонлик ҳам бор, у йўқликни англатади. Дунёда, - дейди Ибн Сино, - адолат уйғунлиги бор. Ёмонлик шу уйғунликнинг керакли қисми сифатида олинган, чунки ҳамма жисмлар бир-бири билан боғлиқ ва улар ўртасида кураш ҳаммаша мавжуд.

Ёмонлик ва яхшилик нисбий, улар бир-бирига айланиши мумкин. Ёмонлик бу емирилиш ва касалликни билдиради, яхшилик бу тараққиётни ва комилликка эришишни намоён этади. Инсон учун лаззатланиш бу яхшиликни англаш, азоб-уқубат эса бу ёмонликни пайқашдир. Иккаласини инсон англаши лозим. Инсон фақат жамиятда яшайди, агар бир ўзи қолса, унда у нобуд бўлиши мумкин.

Инсоннинг ташқи қиёфаси эмас, ички дунёси чиройли бўлиши керак, деб ҳисоблаган эди, ибн Сино. У давом қилиб фақат инсон ўзининг яхши ва ёмон хулқларини бошқаради ва шу сабабдан ўз характерини шакллантиради.

Инсон комилликка эришиш йўлида ўзига яхши дўст топиши лозим. Инсон дўстига ойнага қарагандай қараб, ўз камчиликларини кўради ва дўсти унга шу камчиликларни очиқ айтиши, нима яхши ва нима ёмон эканлигини кўрсатиб бериши лозим ва шунга қараб ёмон камчиликлардан у қутулиши керак, шундагина у ахлоқий комилликка эришади. Демак, комилликка эришиш учун учта асосий фазилатни ўзида тарбиялаши лозим.

Агар инсон шу учта фазилатга (**нафсини тийиш, ботирлик, донишманлик ва уларнинг йиғиндиси адолатлилик**)ка эга бўлса, унда у ўзининг табиий туйғуларини тийиб олиши мумкин, шу билан яхшилик аломатларини кучайтиради ва маънавий роҳатланади.

Инсон фақат ўзи учун эмас, балки бошқалар учун ҳам яшаши лозим.

Инсон қачон ўз камчиликларини йўқота олса, шундан кейин у бошқаларга уларнинг камчиликларини йўқотишда ёрдам бера олиши мумкин.

Инсонни юқори ахлоқий фазилатларидан бири камтарлик, деб ҳисоблаган Ибн Синонинг ўзи ҳам шундай фазилатга эга эди.

**Ибн Сино аёллар ва эркаклар ахлоқи хусусида.** Ибн Сино аёл зотига чуқур эҳтиром билан қараган. Масалан, бунга олимнинг “Севги трактати”

асарида келтирилган ахлоқий қарашлар ажойиб мисол бўла олади. Унинг севгили ёрга бағишланган тўртлигида ҳам бу нарса уфириб туради:

Хаста қилмиш кипригинг ҳам жонима кирмиш аро,

Ҳам кал қилгувчидир у ҳам табибим, меҳрибон.

Лутф бирла васлинг инъом айлабон қил бахтиёр,

Жавҳар ўрнини араз олғувчи баъзан бегумон.

Ибн Сино “**Тадбири манизил**” асарида **аёллар борасида**:

- Аёл билимли, табиатан жасур бўлсин.
- У динга ишонган, шарм-ҳаёли бўлсин.
- Аёл тўғри, камтар ва фаросатли бўлсин.
- Ўз эрини қаттиқ севсин, туғиш ва бола тарбияси ҳақида ўйласин.
- У ҳеч вақт ўз шаънига доғ туширмасин.
- Оила хўжалигида нарсалардан тўғри, тежаб фойдалана билсин, деб

ёзади

Аллома **эркакка** ўз хотинининг жуфти ҳалоли, содиқ умр йўлдоши деб қараб, унинг зиммасига бир қатор масъулиятлар юклайди.

• Эр шундай бўлиши керакки, уни хотини ҳамиша ҳурмат қилсин.

• Эр хотинига нима ваъда берса, албатта уни бажарсин.

• Эр хотинига монанд динга эътиқод қилиб, виждонли бўлсин.

• Оила қуриш ва уни мустаҳкамлаш учун яратилган моддий неъматлар ҳалол меҳнат билан топилмоғи даркор.

**Ибн Синонинг соғлиқни муҳофаза қилиш бўйича эркак ҳамда аёлларга қилган мурожаати асосан қуйидагилардир:**

• Мижозни мўътадил тутиш.

• Овқатни танлаб ейиш.

• Нафас соладиган ҳавони етарли ва соф қилиш.

• Қадди-қоматни тўғри тутиш.

• Қулай кийимлар кийиш.

• Жисмоний ва руҳий ҳаракатларни меъёрида тутиш.

Хулоса қилиб айтганда, Ибн Синонинг юқорида келтирилган барча ўғитлари инсонни маънавий камолот ва сихат-саломатликка элтувчи илмий дурдоналари бўлиб, улар ҳар биримизнинг қалбимизда ўзига жой топмоғи жоиздур.

“Маҳбуб ул-қулуб” асари улуғ мутафаккир ва буюк шоир **Алишер Навоийнинг умри охирида** 906 (1500-1501) йилда ёзилган йирик насрий асаридир. У муаллифнинг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси ва хулосаларининг йиғиндисидир.

Навоий бу асарни яратишдан кўзлаган **мақсади** ҳақида асар муқаддимасида шундай ёзади: “яхши-ёмоннинг хизматини қилдим, катта-кичикнинг суҳбатида бўлдим, гоҳо хорлик ва қийинчилик вайронасида нола қилдим, гоҳо иззат ва маъмурлик бўстонида мажлис курдим...”

Йўқсуллик ва камбағаллик пайтларимда, фалокатли замонларда ва ноумид юрган пайтларимда баъзан илм-фан мадрасаларида қуйи сафлардан жой олдим ва олимлар мажлисида илм нуридан кўнглимни ёритдим....

Давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкини турли одамларнинг хужуми бўлғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрадим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараган элга мурувват кўрсатдим...

Мақсадим шуки, ҳар йўлда юрдим, оламда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришдим, катта-кичикнинг феълу атворини ўргандим, яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим, яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрдим.

Бахил ва пасткашларнинг захмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди. Замон аҳлидан баъзи ҳамсухбатларим ва даврон кишилардан, айрим дўстлари бу ҳоллардан хабарсиз ҳамда кўнгиллари бу яхшилик ва ёмонликлардан асарсиздир...

Шу жиҳатдан ҳамсухбатларни ва дўст-ёронларни бу ҳоллардан огоҳ ва хабардор қилмоқ вожиб кўриндики, токи улардан ҳам ҳар тоифанинг хислати ҳақида билимлар ва ҳар табақанинг аҳволи ҳақида тушунчалари бўлғай”.

### **“МАҲБУБ-УЛ-ҚУЛУБ”ДАН ПАРЧАЛАР**

• Ёмонларга лутфи қарам қилмоқ - яхшиларга зарар ва озор бермақдир. Мушукни парвариш қилмоқ - кабутар учун офатдир. Шағол ёнини олмоқ - товук тухумини қурутмоқдир.

• Илм ўрганмоқ – эътиқодни мустаҳкамлаш учундир, аммо бойлик орттирмоқ учун эмас. Саховатсиз бой - ёғинсиз булутга ўхшайди, илмига амал қилмаган олим устига китоб орттирилган эшакка ўхшайди.

• Киши ўз молидан қанча фойдаланса – ўзиники, қанча асраса – ўзганикидир. Захмат билан топганингни ўзингдан аяма, дўстлар билан меҳнат қилиб топганингни душманлар учун асрама.

• Кимки кўнгилни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил захарли найзадек санчилади. Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас, у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас.

• Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир. Мулоим сўз-ваҳшийларни улфатга айлантиради, сеҳргар – оҳанг билан афсун ўқиб, илонни инидан чиқаради.

• Тилга ихтиёриз – элга эътиборсиз. Кўп бемаза сўзлайдиган эзма – кечалари тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшайди. Тили ёмон одам халқ кўнгилни жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офат етказади. Нодоннинг ваҳшийларча бақирмоғи – эшакнинг бемаҳал ҳанграмоғи.

• Хушсухан одам юмшоқлик билан дўстона сўз айтади, кўнгилга тушиши мумкин бўлган юз ғам унинг сўзи билан дафъ бўлади. Сўзда ҳар қандай яхшиликнинг имкони бор, шунинг учун ҳам айтадиларки, “нафаснинг жони бор...”

• Ўзи хуник, гапи беъмани, овози ёқимсиз одам қурбақага ўхшайди. Бахт бағишловчи тоза руҳ манбаи ҳам тил, ёмонликлар, келтирувчи наҳс юлдузининг чиқар жойи ҳам тил. Тилни тиёлган одам – донишманд оқил,

сўзга эрк берган одам – беандиша ва пасткаш. Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши, тил билан дил бир бўлса яна яхши. Тил билан дил – инсондаги энг яхши аъзолардир. Бўстонда – гулсафсар, гулгунча ва райҳонлар энг ёқимли гуллардир.

- Одам – тили билан бошқа ҳайвонлардан имтиёзлидир. Унинг тили орқали бошқа одамлардан афзаллиги билинади. Тил - шунча шарафи билан нутқ қиролидир. Агар нутқ номаъкул бўлиб чиқса – тилнинг офатидир.

- Тил ширинлиги – кўнгилга ёқимлидир, мулойимлидир, мулойимлиги эса – фойдали. Чучук тил аччиққа айланса кўпчиликка зарари тегади. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир, болалар учун мулойим табиатли одам – халвофуруш каби севимлидир.

- Ҳар кимнингки сўзи – ёлғон, ёлғонлиги билинган, уятга қолган, ёлғонни чиндек гапирувчи сўз устамони – кумушга олтин қоплаб сотувчи заргар. Ёлғон - афсоналар билан уйқу келтирувчи ёлғон – уйқуда алоҳловчи. Ёлғон гапирувчи гафлаттадир, сўзнинг бир-биридан фарқи кўпдир, аммо ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир. Ёлғон гапириш билан ўз вақтини ўтказувчи одам, бу қилиғи ёмон туюлиш ўрнига, кишиларни алдагани билан фахрланади ҳам. Ёлғончи ўз гапига гўллик билан қулоқ солувчини топса, уларга ёлғонни чинга ўтказса, муродига етган бўлади. Ёлғончи – ҳақ қошида гуноҳкор, халқ олдида шарманда. Бундай наҳсинг бемор юзи ёмонликка ўгирилган бўлади, бундай наҳсга ботган одам қутлуғ уйдан нари бўлмайди.

- Кимки, ёлғон сўзни бировга тўнкагай, ўз қора юзини ёғга булғайди. Озгина ёлғон ҳам улуғ гуноҳдир, озгина захар ҳам ҳалок қилувчидир.

- У ердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гуноҳини ўз бўйнига олгувчилардир. Чақимчилик ҳатто чин гап бўлса ҳам кўнгилсиздир, ёлғон бўлса янада нафратлидир. Сўз етказувчининг хоҳ каттаси, хоҳ кичиги – дўзах ўтининг тутантуруғи бўлади.

- Очик чехрали одам – иккиюзламачиликдек нуқсондан йироқ бўлади... Очик юзидан халойиққа хурсандлик, чучук сўзидан эл-юртга хуррамлик. Одамийлик билан кўнгилларга севимли, инсонийлик билан жонларга ёқимли. Ундан дўст-душман хотиржам. Бундай киши умридан барака топади.

- Нохуш хабарни чин бўлса ҳам дўстингга етказма, бировдан айб кўрсанг юзига солма. Кўявер, ўша чин хабарни душман етказсин ва сен сабр қил, у айб можаросини душман қилсин.

- Ақлли одам ёлғон гапирмас, аммо, барча рост гапни айтавериш ҳам тўғри эмас. Бировнинг кўзи ғилай – ногирондир, аммо бунга у айбдор эмасдир. Бировни ноҳақ хижолатга солмоқ – ўз нодонлигини изҳор қилмоқ ва бир кўнгил оғритмоқдир. Бу каби кишини хафа қиладиган чин сўздан кўра зарурат юзасидан – ўрни билан гапирилган ёлғон яхшироқдир.

- Сабр билан кўп мушкул ишлар осон кечади. Ишда шошилган кўп тойилади, тойилган кўп йиқилади. Ишда ошиқмоқлик – ёш болалар иши, сабр билан иш қилмоқ тажрибали, ёши катта одамлар ишидир.

- Нодонга ҳар гапни айтманг, у сўз ташувчидир, кўп гаплари пойма-пойдир, ёлғондир. Оз гапи – гўё насихат, асли, гапирмагани маслаҳат. Унинг

мақсади одамларнинг айбини фош қилмоқ, ўзига ишончини расво қилса, шу хилда ўзининг ҳам айбини ошкор қилган бўлади.

- Илм ўқиб, унга амал қилмаган – ерни хайдаб, уруғ сепмаган ёки уруғ сешиб, ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди.

- Оз гапирмоқ – ҳикматга сабаб, оз емоқ - соғлиққа сабаб. Оғзига келганини демоқ – нодоннинг иши ва олдига келганни емоқ – хайвоннинг иши.

- Гавҳар балчиққа тушгани билан – қиймати камаймас, эшакмунчоқни тожга таққан билан феруза ўрнини тутмас ва ҳеч ким унинг баҳоси пастлигини унутмас.

- Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик – зулумкорлик ва ноқобил одамга тарбия хайфдир. Унисини тарбияни аяб нобуд қилма, бунисига тарбиятингни зоеъ қилма.

- Хато қилмоқ – одамга хос хусусият. Хатосини англаб, огоҳ тортган саодат эгасидир. Ўз хатосини эътироф этган одам – бу хатодан холос бўла олади. Кимки, хатосини бўйнига олмай, беҳуда далил келтириб алжирай берса, гуноҳи янада ортади. Хато қилган ўзини қанчалик лоф уриб оқласа, хатоси шунчалик рўйи-рост кўринади. Унинг устига кибрланиб тортишув олиб борса, халқ орасида баттароқ расво бўлади.

- Билмаганини сўраб ўрганган – олим, орланиб сўрамаган – ўзига золим. Оз-оз ўрганиб – доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб – дарё бўлур. Ўрганишдан қочган - дангаса, ўрганишдан қочиш учун юзига важ – баҳона эшигини очган – ишёқмас, захмат чекиб илм ўрганган – донишманд.

- Одам – дунёларга тенг шараф эгасидир. Ит эса – жирканч махлукдир. Аммо яхшилиқни билмайдиган одам – яхшилиқни унутмайдиган, вафодор итдан пастдир. Вафодор кўтир ит – вафосиз гўзал, барно йигитдан яхшироқдир.

- Нафс балосига учраган одамнинг ейишдан бошқа ҳунари йўқ, худбин одам гап сотишдан бўлакка ярамайди. Унинг бири ҳаром овқатдан роҳатланади, бошқаси эса доим ўзини мақтаб ором олади.

- Яхши одамдан ёмонлар ҳам ёмонлик кутмас, яхши одам ёмонлардан ҳам яхшилигини аямас. Яхшилиқ қила олмасанг – ёмонлик ҳам қилма. Яхшилиқни ёмонликдан яхшироқ деб билмасанг, ёмонроқ деб ҳам билма. Яхшилиқ қилишни билмасанг, яхшиларга қўшил, яхшилиқ атрофида айлана олмасанг, яхшилар атрофида айлан.

- Беҳаё – дўстликка ярамас, нопок - сирдошлиқка ярамас... Эрнинг қилиғи – сутнинг илиғи. Ясанчоқ эркак – мард эмас, капалак - парвона бўлмас. Дўст жабридан – инграма, душман зулмидан – зорланма.

- Ҳар кимни ҳам сирингга маҳрам дема, бу сифат олам аҳлида кўп дема. Сирингни асраш ўзингга малолдир, бошқа бировнинг уни асрамоғи маҳолдир. Ўз хазинангни ўзинг очсанг ва махфий дурларингни ҳамма ёққа сочсанг – териб олган киши уни сепмай нима қилади ва “асра!” деб койиганинг қаерга боради? Ўзинг ўз сирингни асрай олмаганингни биласан;

яна бошқа биров уни фош қилса, айбдор ҳам қиласан. Ўз айбингдан кўзингни олма; бировларни айбига назар солма!

• Чин сўзни ёлғонга чулғама; чин гапира оладиган тилни ёлғонга булғама. Ёлғончи – киши эмас; ёлғон айтмоқ – яхшилар иши эмас. Ёлғон сўз – айтувчини безътибор қилади; чунки у гавҳарни оддий тошдек хор қилади. Кимки чин сўзни ёлғонга қотади; бебаҳо дурни нажосатга отади.

• Уйғоқликда нима кўрсанг тақдирдан деб бил, уйқуда нима кўрсанг яхшиликка йўй. Элнинг гапидан ҳар қандай ёмонликни ахтарма; агар душманинг енгилса, ёмон тарафини бўрттириб, яхши тарафини яширма. Қудратли душман асириг бўлса, мурувват қил, яхшилик кўрсат, аф эт. Золим, бедард – беғам одамлар суҳбатада гапирма; чақимчи ва номард одамларнинг силлиқ гапига алданма. Доно одам кўлидан кетган нарса ҳақида сўзламас; ўтган йигитлик орзу қилган билан қайтмас.

#### Адабиётлар:

1. Ахлоқ-одобга оид хадис намуналари. «Фан» Т., 1990 й.
2. Кайковус. «Қобуснома» Т., «Ўқитувчи», 1986 й.
3. Шорасул Зуннунов. Донишмандлар тарбия ҳақида. Т., «Ўқитувчи». 1998 й.
4. А.Авлоний. Туркий гулистон ўхуд ахлоқ. Т., «Ўқитувчи» 1992 й.
5. О.Тўраева «Бола азиз, одоби ундан азиз» Т., «Ўқитувчи» 1986 й.
6. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т., 2000 й.
7. О.Тўраева., М.Туропова. «Одобнома». 5-синф. Т., «Ўқитувчи» 1996 й.
8. Қ.Назаров . Аксиология – кадриятлар фалсафаси. – Т.: ЎФМЖ, 2004